Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти кутубхонаси

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Дам олиш сонида:

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 31 (9.223) 1999 йил 19 март, жума ◆ Сотувда эркин нархда

## Наврўзинг муборак, дилбар Ватаним!

*Шундай ўлка доим бор бўлсин,*
*Шундай ўлка элга ёр бўлсин.*
*Омон бўлсин оғайнилари,*
*Омон бўлсин дўстларнинг бари,*
*Доим бўлсин тинчлиги омон,*
*Шундай бўлсин бу бутун жаҳон.*



# ДАВЛАТИМИЗ ҚУДРАТИНИНГ ТИМСОЛЛАРИ

Мустақиллик шарофати туфайли мамлакатимизда кўплаб янги корхоналар барпо этилаётир, янги-янги меҳмонхоналар, спорт иншоотлари, банк ва бошқа муассасаларнинг кўркам бинолари шаҳарларимиз кўркига кўрк қўшиб бормоқда. Куни кеча Самарқандда «СамКочавто» қўшма корхонасининг тақдимот маросими ўтказилган бўлса, энди пойтахтимизда юқори мақомда хизмат кўрсатадиган тўрт юлдузли «Ҳилтон-Тошкент» меҳмонхонаси қуриб битказилди.

18 март куни мазкур меҳмонхона билан танишиш учун бу ерга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари янги иншоотни кўздан кечирар экан, хоналарнинг шинам, осудалигини, мижоз учун барча қулайликлар яратилганини таъкидлади. Кам сарф-харажат талаб қиладиган, ихчам, лекин жаҳон андозалари даражасида жиҳозланган ва юқори сифатли хизмат кўрсатишга мўлжалланган меҳмонхона француз ҳамкорларнинг фаолиятига юқори баҳо берилишига сабаб бўлди.

Дарҳақиқат, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан, 1996 йилнинг майида Франциянинг «Буиг» фирмаси билан «Ўзбек — Буиг» қўшма корхонасига асос солинган эди. Янги қўшма корхона 1997 йилнинг майида қурилишни бошлаб, 21 ой деганда меҳмонхонани тайёр ҳолга келтирди.

«Ҳилтон-Тошкент» — 250 ўринли. Унда битта тўрт хонали президент номери, еттита икки хонали люкс ва бошқа кўпдан-кўп қулайликларга эга бўлган номерлар бор. Мажмуада меҳмонларнинг ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароит муҳайё. Меҳмонхона бошқаруви, келишувга биноан, АҚШнинг «Ҳилтон» компанияси ихтиёрига берилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонхонада яратилган шарт-шароит ва қулайликларни кўздан кечирар экан, янги кошона ўзига хос услубда бунёд этилганини қайд этди. Шу билан бирга, Ислом Каримов иншоотнинг ён-атрофини янада ободонлаштириш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Албатта, жаҳон андозалари даражасидаги меҳмонхонанинг ҳовлиси ва теварагги ҳам ўзига мос бўлиши лозим. Президентимиз меҳмонхона атрофини янада кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш борасида ўз таклифларини айтди.

Бобомиз соҳибқирон Амир Темур ўз вақтида, кимки қудратимизга шубҳа қилса, қурган биноларимизни келиб кўрсин, деган эдилар. Миллий меъморий обидаларимиз асрлар ўтса-да, ҳамон ўз тароватини йўқотмаган. Эндиликда мустақил юртимизда ҳам қурилаётган ҳар бир янги иншоот аждодларимиз мероси сингари муҳташам обидаларга айланишига эътибор қаратилаётгани таҳсинга лойиқдир. Шу маънода, мустақиллик йилларида барпо этилган ва этилаётган иншоотларни юртимиз қудратининг тимсоллари дейиш мумкин. Янги маҳобатли «Ҳилтон-Тошкент» меҳмонхонаси ҳам ана шундай тимсоллардан бири бўлди.

Янги меҳмонхона билан танишув чоғида давлатимиз раҳбарига Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ҳамроҳлик қилди.

*Анвар БОБОЕВ,*
*ЎзА мухбири.*

СУРАТДА: янги меҳмонхона билан танишув пайти.

*Абдувоҳид Тўраев олган сурат.*

## ДАВР САДОСИ

*Барча манбалардан олинган сўнгги ахборотлар*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов БМТ Бош котибининг Афғонистондаги махсус вакили Лаҳдар Браҳимини қабул қилди.

● Республика Киночилар уйида «Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» илмий-публицистик фильми миллий лойиҳасининг тақдимоти бўлиб ўтди. Мазкур лойиҳа Юртбошимиз ана шу номдаги асарининг экрандаги талқинидир.

● Олий Мажлисда Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясига ўз вақтида тайёргарлик кўриш ва уни муваффақиятли ўтказиш мақсадида тузилган махсус депутатлар ишчи гуруҳининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

● «Шаҳрисабз ёғ-пишлоқ» ҳиссадорлик жамиятида янги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. У «Эдем» пишлоғи бўлиб, французча усулда тайёрланади.

● **Бугун** республика рассомчилик коллежи кўргазмалар залида Ўзбекистон Бадиий академияси ва Миср Араб Республикасининг Тошкентдаги Фан ва таълим маркази томонидан Наврўз байрамига бағишланиб пойтахт ва пойтахт вилоятидаги Меҳрибонлик уйларининг иқтидорли болалари чизган расмлар кўргазмаси очилади.

● **Бугун** Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида баҳор байрами — Наврўз айёмига бағишланган тантанали тадбир ўтказилди.

● Тошкентдаги 5-болалар касалхонаси Япония ҳукумати томонидан молиявий ҳамкорлик йўли билан хайрия мақсадларида ташкил этилган қарийб 4 минг долларлик грантни олди.

● «Тошкент» сейсмик станциясининг хабарига қараганда, 17 март куни соат 20дан 44 дақиқа ўтганда Узбекистон пойтахтида ер силкиниши рўй берган. Унинг маркази сейсмик станциядан 20 километр узоқликда жойлашган. Чилонзорда ерости силкинишлари кучи 3 баллгача етган, Назарбекда эса ер силкиниши кучи 3-4 баллни ташкил этган. Шу куни қайта силкинишлар Тошкент вақти билан соат 23дан 34 дақиқа ўтганда қайд этилди. Зилзила кучи Чилонзорда 3-4 баллни, Назарбекда 4 баллни ташкил этди.

### ЖАҲОНДА

● Қоҳирада, Президент саройида Ўзбекистон Республикасининг Миср Араб Республикасидаги фавқулодда ва Мухтор элчиси Солиҳ Иноғомов мамлакат Президенти Ҳусни Мубораккa Ишонч ёрлиғини топширди.

● Россия Федерацияси Федерация Кенгаши Россия Бош прокурори Ю.Скуратовнинг саломатлиги бўйича берган истеъфосини тасдиқламади. Федерация Кенгаши мажлисида сўзга чиққан Ю.Скуратов истеъфога чиқиши учун унга тазйиқ кўрсатилганлигини, лекин унинг ўзи бундан буён ҳам ўз вазифасини бажаришга тайёр эканлигини айтди. Президент Борис Ельцин ва Бош вазир Е.Примаков ана шу масалани муҳокама этиб, «нопоклик ва сиёсат билан нопок йўллар билан шуғулланиш бош прокурорнинг юксак унвонига номатлуб» эканлигини таъкидладилар.

● Белоруссия ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари Минскдаги президентлик маъмурияти биносини ўққа тутган кишини қуролсизлантирдилар. Дастлабки маълумотларга қараганда террорчи 44 ёшли киши бўлиб, руҳий хасталикка мубтало бўлган.

● Камчаткада «Ми-8» вертолётининг ҳалокатга учраши оқибатида 19 киши ҳаётдан кўз юмди ва 7 киши касалхонага ётқизилди.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАСИНИ КУЧАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ишловчи аёлларнинг юқори малакали меҳнатини рағбатлантириш, уларнинг даромадларини ошириш ҳамда оилада, давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича 1999 йилги тадбирлар Давлат дастурини рўёбга чиқариш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 1999 йилнинг 1 июлидан бошлаб, аёллар ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интернат уйларида, «Меҳрибонлик» уйларида тарбиячилар, шунингдек кутубхоначилар сифатида ишлашни давом эттираётган ва пенсияга чиқиш олдидан мазкур мутахассисликлар бўйича камида ўн йил стажга эга бўлган ҳолларда уларнинг пенсияни тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқи сақлаб қолинади.

2. Мазкур фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 17 март

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## ЎТА ЗАРАРЛИ ВА ЎТА ОҒИР МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИДА ИШЛАЁТГАН АЁЛЛАРНИНГ ДАРОМАДИГА ИМТИЁЗЛИ СОЛИҚ СОЛИШ ТЎҒРИСИДА

***Оғир ишларда ишлаётган аёлларнинг даромадлари даражасини ошириш, уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. 1999 йил 1 апрелдан бошлаб Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар,. лавозимлар ва кўрсаткичлар 1-рўйхатининг III қисмида ва 2-рўйхатнинг I қисмида кўрсатилган ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларида ишлаётган аёлларнинг даромадига солиқ солиш бўйича қўшимча имтиёзлар белгилансин, уларнинг даромадларига солиқ солиш даражаси 20 фоиздан юқори бўлмаслиги белгилаб қўйилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 1 мартдаги 72-сон қарорининг 1-банди мазкур қарорнинг 1-бандида кўрсатилган ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларида ишлаётган аёлларга нисбатан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси даромад солиғи мазкур қарорга мувофиқ тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва тўланиши устидан назоратни таъминласин.

4. Вазирликлар ва идоралар идоравий меъёрий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосарлари Б. С. Ҳамидов ва Д. М. Ғуломова зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 17 март.

# ЁРУҒЛИК КУНИ, ҲАЁТ БАЙРАМИ



Хиром айланг, баҳорий маликалар.

*Уйингиз безаги*

## ТАБИИЙСИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

***Оилада ёки ишхонада, умуман қаерда бўлмасин даста гулларни кўрган одам қалби ўзгача бўлиб кетади. Айниқса баҳор байрами Наврўз айёмида бу шодлигу қувончларнинг адоғи йўқ. Агар эътибор бераётган бўлсангиз кейинги вақтда «Совпластитал» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган сунъий гуллар, гуллар тўпламм, сунъий гуллаб турган олма, ўрик, шафтоли дарахтлари, юбилей, тўйлар учун махсус тайёрланган гуллар композицияси айнан мана шу корхонада ишлаб чиқарилади.***

— Корхонамизда йил бошидан бери 40 турдан зиёд янги хилдаги маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди, — дейди информатика бўлими бошлиғи Людмила Игнатенко. — Шундан етти хилдагиси янги маҳсулот бўлиб, у ҳамюртларимизга Наврўз туҳфамиздир. Умумий ҳисобда ишлаб чиқарилаётган гуллар тури 500 тадан ошди.

**Гули АБДУЛЛАЕВА.**

***Ўлкамизга кириб келган ҳароратли баҳор, у билан бирга келган Наврўз нафаси барчани эзгу ишларга, айниқса меҳрибонлик, инсонпарварлик ва ободончиликка чорлади. Пойтахтимизда Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига кўра ўтказилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги ҳам қутлуғ байрамимиз арафасида қизғин тус олди. Шаҳримиз хиёбону кўчаларига, маҳаллаю кўп қаватли уйларга баҳорий гўзаллик, саранжом-сариштalik бағишлаётган, пойтахтимизни гулу чечакларга, яшил ўсимликларга буркаётган ушбу тадбирда Мирзо Улуғбек тумани аҳолиси ҳам фаол иштирок этмоқда. Туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Комил НУРМУҲАМЕДОВ умумхалқ Наврўз байрамини нишонлаш арафасида бажарилган ишлар ва икки ойликни муваффақиятли ўтказиш хусусида қуйидагиларни гапириб берди.***

*Ободонлаштириш ойлиги*

## ТАЪРИФГА БОЙ ГЎЗАЛЛИК

— Барчанинг дилига бир олам қувонч бахш этиб кириб келган Наврўзимиз миллий қадриятларимизни, шарқона урф-одатларимизни улуғловчи, қалблардан тилларга кўчувчи улуғ байрамдир. Шу боис ана шу байрам арафасида нафақат одамларимиз кўнглида, балки бутун мамлакатимизда, шу жумладан жонажон шаҳримизда ҳам покизалик, орастаю ободонлик, кўклам шукуҳи ҳукм сурмоғи лозим. Буни дилдан ҳис этган туманимиз ободонлаштирувчилари ойликни бир тан-бир жон бўлиб бошладилар.

Бошқармамизда меҳнат қилаётган 300 нафардан ортиқ ходимнинг бутун диққат-эътибори икки ойликни уюшқоқлик билан ўтказишга қаратилгани боис ҳам Наврўзга туман ҳудудини тайёрлаш, яъни ободонлаштириш, санитар ҳолатини яхшилаш, кўкаламзорлаштириш ишлари ўз вақтида бажарилди. Туманимиз 4 та округга бўлинган бўлиб, ҳар бир округнинг раҳбари ўзларига бириктирилган ҳудудларни тозалаш, ободончиликни таъминлаш ва кўкаламзорлаштириш, ахлат ва бошқа чиқиндиларни ўз вақтида олиб чиқиб кетилишига жавобгардирлар.

Халқимизда «Бирлашган ўзар...» деган ажойиб нақл бор. Шу боис бошқармамиз ходимлари аҳоли билан ҳамкорликда иш юритадилар. Айниқса, маҳалла қўмиталари раислари, корхона ва ташкилотлар, мактабларнинг раҳбарлари бизнинг энг яқин кўмакчиларимиздир. «Гулистон», «Олтин тепа-10», Алишер Навоий номидаги маҳаллалар аҳли ўз ҳудудларидан ўтадиган ариқларни тозалаш, кўчаларни орасталаш, кўчат экиш ишларида пешқадамлик қилишмоқда.

Туманимиз ҳудудига ўтган йилларда экилган дов-дарахтларга шакл бериш, бекатларни тартибга келтириш ишлари ҳам ўз вақтида бажарилди. Шунингдек, кўклам қуркини яшил дарахтлару, гулчечаклар очади. Ана шунинг учун ҳам кўчат экиш ишлари ҳам қизғин давом этмоқда. Ҳудудимиздаги бўш ётган майдонларга 2000 туп терак кўчати, 500 туп мевали, 200 туп манзарали дарахтлар ҳамда 500 тупдан зиёд бута ва гул кўчатлари ўтказиш тез ва соз олиб борилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, покизалик нафақат ободонлаштириш бошқармаси ходимларининг, балки барча одамларнинг вазифасига айланмоғи лозим. Ана шундагина шаҳримиз кўчаларини кезган, маҳаллаларда бўлган ҳар бир кишининг дили яйрайди. Ободонлаштириш эса фақат ойликлардагина эмас, йил давомида амалга оширилсагина кўзланган мақсад ушалади. Ана шундагина улуғ шоир айтганларидек «Ҳар кунимиз Наврўз!» бўлиши шубҳасиз.

**Суҳбатдош Шарифа ИЛЁСОВА.**

*Қурилиш*

## ҚЎШ ҚУВОНЧ

***Ҳар байрамни қурувчилар ҳам муносиб совғалар билан кутиб олишга одатланишган. Наврўз тантаналари арафасида шаҳримизда қуриб битказилган бир қатор уйлар фикримизнинг далили. Шулардан бири Юнусобод туманининг Амир Темур ва Зокиржон Обидов кўчалари кесишган ҳудудида фойдаланишга топширилган 90 оилали уйдир.***

Уни шаҳримиздаги кенг ҳажмли-блокли уйсозлик тажриба комбинатига қарашли 3-конвейерли қурилиш бошқармаси бинокорлари бунёд этишди.

— Қурувчиларимиз бу уйни қисқа муддат ичида — олти ойда қуриб, битказишди, — дейди бизга ишбоши Анатолий Савченко. — Мақсадимиз Наврўз айёми арафасида ушбу уйга кўчиб кирадиган хонадон эгаларини қувонтириш эди. Ниятимизга етдик.

Шу ўринда ҳар бири 45 оилага мўлжалланган бу 4 ва 5-уйларни пардоздан чиқаришда Пардозлаш бошқармаси сайқалчилари меҳнатини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Чунки улар белгиланган муддатда ишни поёнига етказишди.

— Ўтган Наврўз байрами арафасида 90 оилали 1-уйнинг калитини эгаларига топширган эдик, — дейди иш боши сўзини давом эттириб. — Бу йил ҳам ана шу анъанага содиқ қолдик.

Бошқарма қурувчилари ушбу ҳудудда яна бир беш қаватли 36 хонадонли уйни фойдаланишга тахт қилиб қўйишган. Бугун-эрта у ерда ҳам ҳовли тўйлари нишонланади. Айни дамларда эса бунёдкорлар тўққиз қаватли янги уйда тезкорлик билан иш олиб боришмоқда. Ҳозир бинонинг тўртинчи қавати тикланяпти. «Бу ерда яна бир ой ичида қурилишни ниҳоясига етказамиз», дейишади бунёдкорлар.

Бугун янги уйга кўчиб келаётган оилаларнинг кети узилмайди. Шод-хандон қўшнилар бир-бирларини янги уй билан қутлашади.

Хуллас қалб изҳорини айтувчилар жуда кўп. Уларнинг барчасини тилида ҳам, дилида ҳам «Бу ҳаммаси мустақиллик шарофати» деган сўз янграйди.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.**

*Хабарингиз борми?*

## КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИНИНГ СТИПЕНДИАТЛАРИ

***Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашининг V пленумида кенгаш раиси Мирзоҳид Содиқов пойтахтимиздаги Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида малакали мутахассисларни тайёрлаш ва касаба уюшмалари фаолиятига ёшларни кенгроқ жалб этиш мақсадида 1999 йилдан эътиборан 10 та стипендия таъсис қилиш тўғрисида ташаббус билан чиққан эди. Кенгаш раёсати бу ташаббусни маъқуллади.***

Кенгаш стипендиясига шаҳримиздаги Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари Илмий (педагогик) кенгаши билан касаба уюшма қўмитасининг қўшма мажлисларида Низом талабларига мос келувчи номзодлар тавсия этилдилар.

Қишки сессия якунларига асосан, ўқув муассасалари ва тармоқ касаба уюшмалари шаҳар қўмиталарининг тавсиялари кенгаш стипендиясини тайинлаш комиссияси томонидан кўриб чиқилиб, кенгаш раёсатида тасдиқланди. Стипендиялар талабаларга ўқув муассасаси белгилаган стипендия миқдоридан 50 фоиз ортиқ тайинланди.

Кенгашнинг биринчи стипендиатлигига мушарраф бўлганлар билан танишинг: Ҳамидилла Абдуллаев (геология техникуми), Муҳайё Беркинбоева (педагогика университети), Нилуфар Исаева (маданият институти), Жамшид Назаров (радиотехника коллежи), Тамара Романенко (техника университети), Шаҳноза Тожибоева (ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти), Шавкат Шарипов (давлат университети), Барно Йўлдошева (жаҳон тиллари университети), Ифтихор Қодиров (2-Давлат тиббиёт институти) ва Чарос Қорабоева (республика тиббиёт билим юрти).

Наврўз байрами арафасида бўлиб ўтган тантанали маросимда Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашининг раиси Мирзоҳид Содиқов стипендиатларга «Шаҳар касаба уюшмалари кенгашининг стипендианти» гувоҳномасини топширди.

**Ғайрат ЗУННУНОВ,**
**Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши ташкилий-оммавий ишлар бўлимининг мудири.**

*СУРАТДА: шаҳар касаба уюшмалари кенгашининг стипендиатлари.*



## САХОВАТ, МЕҲР-МУРУВВАТ, ОҚИБАТ ПАЛЛАСИ

# АЗИЗ ДЎСТЛАР!

ХАЛҚАРО «НАВРЎЗ» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ ЖАМОАСИ БАРЧА ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИНИ КЕЛАЁТГАН БАҲОР ВА ГЎЗАЛЛИК, ЁШАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШ УМУМХАЛҚ НАВРЎЗ БАЙРАМИ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

ХАЛҚИМИЗНИНГ АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИ МУЖАССАМ БЎЛГАН НАВРЎЗ БАЙРАМИДА СИЗЛАРГА ВА ҲАР БИР ХОНАДОНГА ТЎКИНСОЧИНЛИК, БАХТ-САОДАТ, ТИНЧЛИК, ХОТИРЖАМЛИК, СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, МЕҲР-МУРУВВАТ, ОДАМЛАР ЎРТАСИДА ЎЗАРО ДЎСТЛИК ВА ЯХШИ КАЙФИЯТ ТИЛАЙМИЗ.






## ИМКОНИЯТИНГИЗНИ ҚЎЛДАН БЕРМАНГ!

***Сизнинг лотерея билетларини харид қилиш учун пул сарфлашингизга ҳожат бўлмайди.***

***Сиз электрдан фойдаланганлик учун ҳақни ўз вақтида тўлаган ҳолда ушбу мукофотлардан бирининг соҳиби бўлишингиз мумкин.***

***Ҳар чоракда ўтказиладиган қимматбаҳо ютуқлар тиражида электр қуввати учун тўловлар бўйича қарзи бўлмаган маиший истеъмолчиларнинг шахсий ҳисоб рақамлари қатнашади.***



**Навбатдаги ютуқлар тиражи 15 апрелда ўтказилади.**

**Маълумотлар учун телефонлар: 133-82-03,136-60-32.**



**Электр энергияси ҳақини ҳар ойда тўлашни унутманг!**

**Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси.**


«01»

## ЭҲТИЁТКОРЛИК ЯХШИ

***Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Ёнғиндан сақлаш бошқармаси ташкилот, муассаса ва маҳаллаларда Наврўз байрамини ўтказиш бобида қуйидагиларга амал қилиш лозимлигини уқтиради:***

— Малакали хизматчилар томонидан хона ва майдонларни ёритиш учун ўтказиладиган электр чироқларни шикастланмаган электр симлари билан жиҳозлаш зарур. Ўчоқ ва бошқа олов билан иситиладиган мосламаларга газ ёнилғисидан резина қувурлар орқали фойдаланиш тақиқланади;

— бехавотир жойга олов билан фойдаланиш ўчоқлари ўрнатилиб, уларни доимо назорат қилиб бориш, ёқиб қўйилган самовар ва ўчоқларга ёш болаларнинг яқинлашмасликлари ва қаровсиз қолмаслигини таъминлаш талаб этилади;

— ўчоқларда қолган олов, кул қолдиқларини тозалаб, тўлиқ ўчириб, бехавотир жойга тўкиш лозим. Байрам кунлари навбатчи ва жавобгар шахслар тайинланиб назорат ўрнатилиши мақсадга мувофиқдир;

— ёнғин қонун-қоидалари бўйича тушунтириш ишлари олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади.

**Баҳром ЮНУСОВ,**
**ички хизмат подполковниги.**


**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

*Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.*

*Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.*

***Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.***

**МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР




# МУҲТАРАМ ҲАМШАҲАРЛАР!

**«ТОШШАҲАРМАИШИЙХИЗМАТУЮШМАСИ»** Сизларни саодатли кунларимиз даракчиси, эзгулик, покланиш ва янгиланиш байрами «Наврўз» билан қутлайди.

Байрам арафасида 20 март куни хайрия сифатида пойтахтимизнинг қуйидаги манзиллардаги сартарошхоналарда туман маиший хизмат кўрсатиш уюшмалари билан биргаликда кекса ва ногирон мижозларга бепул хизмат кўрсатишни ташкил этади.

**АКМАЛ ИКРОМОВ ТУМАНИ**

1. «Амир Тўлқин» хусусий фирмасига қарашли Уйғур кўчаси, Ойбек маҳалла гузаридаги сартарошхона.
2. «Тозадил» хусусий ишлаб чиқариш-тижорат фирмасига қарашли Сегизбоев кўчаси, 9-уйдаги сартарошхона.
3. «Эдем и Л» хусусий фирмасига қарашли Лутфий кўчаси, 14-уйдаги сартарошхона.

**БЕКТЕМИР ТУМАНИ**

1. «А.О.О.Дилором» хусусий фирмасига қарашли Фарғона йўли, Бектемир бозоридаги сартарошхона.
2. «Азия-Интур» хусусий фирмасига қарашли Ҳ. Бойқаро кўчаси, 3-уйдаги сартарошхона, тел: 195-02-18.
3. «Чень-Чунь» хусусий фирмасига қарашли Ҳ. Бойқаро кўчаси, 108-уйдаги сартарошхона, тел: 195-19-66.

**МИРОБОД ТУМАНИ**

1. «А.О.О.Дилором» хусусий фирмасига қарашли Нукус кўчаси, 29-уйдаги сартарошхона, тел: 54-38-69.
2. «Шош-Транс» қўшма корхонасига қарашли Бехтерев кўчаси, 7-уйдаги сартарошхона, тел: 191-94-04.
3. «Красотка» хусусий фирмасига қарашли Норхўжаев кўчаси, 166-уйдаги сартарошхона, тел: 191-64-16.

**МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ**

1. «Марсо» хусусий фирмасига қарашли ТТЗ-4 мавзеси, 4-уйдаги сартарошхона, тел: 64-92-18.
2. «Моно Мария» хусусий фирмасига қарашли Ҳумоюн кўчаси, 3-а уйдаги сартарошхона, тел: 161-46-94.
3. «Линда» масъулияти чекланган жамиятга қарашли Қорасув-2 мавзеси, 18-уйдаги сартарошхона.

**СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ**

1. «Заҳро» хусусий фирмасига қарашли «Марказ 17/18», Себзор даҳасидаги сартарошхона, тел: 40-48-33.
2. «Лиан-Сервис» хусусий фирмасига қарашли Қамарнисо кўчаси, 40-уйдаги сартарошхона.
3. «Карима» хусусий фирмасига қарашли Форобий кўчаси, 418-уйдаги сартарошхона, тел: 46-61-19.
4. «Кўзгу-Чирой» хусусий фирмасига қарашли Қорақамиш 2/1 даҳасидаги сартарошхона, тел: 29-43-97.

**СЕРГЕЛИ ТУМАНИ**

1. «Ҳайдар-Али-Беҳзод» хусусий фирмасига қарашли Сергели-3 мавзе, Массон кўчаси, 1-уйдаги сартарошхона, тел: 58-62-38.
2. «Кумуш-кўзгу» хусусий фирмасига қарашли Сергели-3 мавзе, 8-уйдаги «Королева» сартарошхона, тел: 57-26-28.
3. «Аурита» хусусий фирмасига қарашли Сергели-6 мавзе, деҳқон бозори, савдо қаторидаги сартарошхона.

**ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ**

1. «Баҳрижамол» хусусий фирмасига қарашли Гулистон даҳаси, 58-уйдаги сартарошхона.
2. «Ота юлдуз» хусусий фирмасига қарашли Қатортол кўчасидаги сартарошхона.
3. «Кабутар ММТР» хусусий фирмасига қарашли Чилонзор-1 мавзесидаги сартарошхона.
4. «Локон» хусусий фирмасига қарашли Чилонзор-16 мавзеси, 11-уйдаги сартарошхона.

**ҲАМЗА ТУМАНИ**

1. «Эмилия Компани» масъулияти чекланган жамиятга қарашли Лисунов кўчаси, 4-даҳа, 9-уйдаги сартарошхона.
2. «Бинокор» маҳалласига қарашли Строитель кўчаси, 39-а уйдаги сартарошхона, тел: 90-72-71.
3. «Эффект-строй» масъулияти чекланган жамиятга қарашли Фарғона йўли, 101-уйдаги сартарошхона.

**ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ**

1. «Муҳайё» хусусий фирмасига қарашли Уйғур кўчаси, 411-уйдаги сартарошхона.
2. «Давр А» масъулияти чекланган жамиятга қарашли Бешёғоч мавзеси, Халқлар Дўстлиги шоҳкўчаси, 8-б уйдаги сартарошхона.
3. «Раҳимов А» хусусий фирмасига қарашли Уйғур кўчаси, 3-а уйдаги сартарошхона.
4. Хусусий тадбиркор А. Мирзаахмедовга қарашли М. Уйғур кўчаси, 345-уй, «Исломобод» гузаридаги сартарошхона.
5. «Вожиб» масъулияти чекланган жамиятга қарашли Маҳтумқули кўчаси, 2-уйдаги сартарошхона

**ЮНУСОБОД ТУМАНИ**

1. «Буниса Шаҳзод» хусусий фирмасига қарашли Ш. Рашидов кўчаси, 71-уй, «Ширин» қаҳвахонасидаги сартарошхона.
2. «Шаҳодат» жамоа корхонасига қарашли А. Дониш кўчаси, 14-мавзе, 62-уйдаги сартарошхона, тел: 125-67-23.
3. «Ал Комар» хусусий ишлаб чиқариш-тижорат фирмасига қарашли Машиностроитель кўчаси, 6-уйдаги сартарошхона.
4. «Эркинжон» хусусий фирмасига қарашли Чимкент йўли кўчаси, 72-уйдаги сартарошхона.

**ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ**

1. Кўрлар жамиятига қарашли Бобур кўчаси, 22-уйдаги сартарошхона.
2. «Омадус» хусусий фирмасига қарашли Кунаев кўчаси, 6-уйдаги сартарошхона.
3. Хусусий тадбиркор А. Шоабдуллаевга қарашли Муқимий кўчаси, 1-а уйдаги сартарошхона.
4. Хусусий тадбиркор С. Собитовга қарашли Чўпон ота кўчасидаги сартарошхона.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 55-39-01, 55-39-10.


«ДАН»

# ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

***Наврўз байрами куни пойтахтимиз кўчаларида ҳаракат хавфсизлиги билан боғлиқ чора-тадбирлар ҳақида Тошкент шаҳар ИИББ ДАНБ бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция полковниги Бахтиёр Носирович Эрматов биз билан суҳбатда қуйидагиларни гапириб берди:***

— Байрам тантаналари асосан пойтахтимизнинг Алишер Навоий ёдгорлиги мажмуаси, Ўзбекистон Миллий боғи, Мустақиллик майдони, Халқлар Дўстлиги саройи майдони, Сайилгоҳ кўчалари каби марказий жойларда бўлиб ўтади. Шу боисдан шу атрофдаги транспорт воситалари ҳаракати байрам тантаналари ўтиш вақтида тўхтатилади. Яъни:

— Халқлар Дўстлиги кўчаси Муқимий кўчасидан Абдулла Қодирий кўчасига қадар;

— Асатулла Хўжаев кўчаси, Самарқанд дарбоза кўчасидан Ўзбекистон кўчасигача;

— Ўзбекистон кўчаси Халқлар Дўстлиги кўчасидан Мовароуннаҳр кўчасигача;

— Бобур кўчаси Ботир Бобоев кўчасидан Олмазор кўчасига қадар;

— Туроб Тўла кўчаси Ўзбекистон кўчасидан Олмазор кўчасига қадар;

— Абай кўчаси Алишер Навоий кўчасидан Ўзбекистон кўчасигача (жамоат транспорти А. Навоий кўчаси томонидан «Пахтакор» шоҳбекатига қадар ҳаракатда бўлади);

— Шароф Рашидов кўчаси А. Навоий кўчасидан Афросиёб кўчасига қадар;

— Мустафо Камол Отатурк кўчаси Алишер Навоий кўчасидан Ўзбекистон кўчасига қадар;

— Амир Темур кўчаси А. Темур хиёбонидан А. Навоий кўчасига қадар;

— Пушкин кўчаси А. Темур хиёбонидан Шаҳрисабз кўчасига қадар;

— Ҳамза кўчаси А. Темур хиёбонидан Шаҳрисабз кўчасигача;

— Йўлдош Охунбобоев кўчаси А. Темур хиёбонидан Шаҳрисабз кўчасигача;

— Мовароуннаҳр кўчаси А. Темур хиёбонидан Яккачинор кўчасигача;

— Тарас Шевченко кўчаси Ўзбекистон кўчасидан Яккачинор кўчасигача;

— Буюк Турон кўчаси Афросиёб кўчасидан Ҳадича Сулаймонова кўчасигача;

— Зарқайнар кўчаси ер ости йўлига қадар;

— Тожи Расулов кўчаси Халқлар Дўстлиги кўчасидан Қозиробод кўчасигача;

— Мирзо Улуғбек хиёбонига туташ бўлган Ҳ. Абдуллаев, Ф. Хўжаев кўчаларида ва бошқа халқ сайли ўтказиладиган жойларда вазият талаби билан транспорт воситаларининг қатновини тўхтатишга рухсат этилади.

Транспорт воситаларининг ҳаракатини вақтинча тўхтатиш учун ёпиладиган кўчаларни айланиб ўтиш учун, жамоат транспортининг ҳаракатланиш йўналишига ўзгаришлар киритилади.

Шунингдек, байрам куни транспорт воситаларининг тўхтаб туриши учун алоҳида жойлар ажратилади. Жамоат транспортидан фойдаланадиганларга яхши хизмат кўрсатиш масалалари тўла ҳал этилади. Айниқса, байрам тадбирлари тугаганидан сўнг аҳолининг уйларига етиб олишлари учун хизмат кўрсатиш юқори даражада ташкиллаштирилиб, қўшимча транспорт воситалари ажратилади.

Жамоат тартибини сақлаш, йўллардаги ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун пойтахт милицияси ходимлари, шу жумладан ДАН хизматчилари ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимлари жалб этилиб, барча имкониятлар ишга солинади. Барча тошкентликларнинг ва шаҳримизга ташриф буюрадиган меҳмонларнинг хавфсиз ҳаракатини, осойишталигини таъминлаймиз. Уларнинг баҳор байрамини кўтаринки кайфиятда ўтказишлари учун барча қулайликлар, шарт-шароитлар ҳозирланган.

Фурсатдан фойдаланиб барча юртдошларимизни улуғ айёмлари — Наврўз байрамлари билан муборакбод этамиз ва уларга барча эзгу тилакларимизни билдирамиз.

**Суҳбатни Абдураҳим ХАЛИЛОВ ёзиб олди.**


Сергели-5 даҳасида жойлашган 5 хонали уй

**СОТИЛАДИ.**

Телефон: 29-21-87

* * *

Шаҳардан ташқарида Янгийўл йўналишида жойлашган 30 сотихли, 6 хонали, барча қулайликларга эга уй **СОТИЛАДИ** ёки Тошкентдаги квартирага **АЛМАШТИРИЛАДИ**. Телефон: 24-74-86, 169-59-76. Пейжер: 081-443.

* * *

Дерматовенеролог

**ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.**

Телефонлар: 24-91-19; 21-27-01.

* * *

Дўкон, «Рено» автомобили

**СОТИЛАДИ.**

Телефон: 56-19-22.

* * *

Миробод туманида жойлашган 2 хонали квартира

**СОТИЛАДИ.**

Телефонлар: 93-17-47; 93-36-21.

* * *

Чилонзор тумани, Афшона кўчасидаги планли 60-уй

**СОТИЛАДИ.**

Телефонлар: 116-61-52, 77-51-58.

* * *

Барча қулайликларга эга планли уй, 1 хонали квартира

**СОТИЛАДИ.**

Телефонлар: 43-40-68; 116-12-98.

* * *

Тошкент шаҳридаги 41-мактаб томонидан Фахриддин Хасанович Курбонов номига берилган А № 519472 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Қорасув-6 даҳаси, Амир Темур маҳалласи ҳудудида жойлашган 7 сотих ер

**СОТИЛАДИ.**

Телефонлар: 67-61-77, 65-24-42.

4 хонали квартира сотилади. Тел: 55-03-11.

## ЖАВОҲИРЛАР САНДИҒИ

*Донишмандлар хазинасидан*

# ШАЙХ САНЪОН ҚИССАСИ

**(Давоми. Боши газетанинг 28-сонида)**

Алқисса шом вақти бўлиб эрди, ўзимга оро бериб, покиза либосларни кийиб йўлга тушдим. Ул ҳовлини ғулом кўрсатиб қайтиб кетди. Кўрдимки, шоҳона дарвозадур, ҳаммаси нигориндур, бир неча ғуломлар хизматдадурлар. Шул вақт ул дўконга борган заифа ичкаридан чиқиб тавозеъ билан салом айлаб, қўлимдин ушлаб ҳарамға олиб кирди. Ҳарамнинг бир тарафи боғ-бўстондур, яна бир тарафи қасри олийдур, ҳаммасига қимматбаҳо фаришлар билан безатилгандурлар. Ул каниз мени етаклаб янада гўзал ва ҳашамдор иморатга олиб кирди. Бул қасрнинг юқорисида бир тахт қўйибдур, тахт устида ул жодугарларнинг султони ўлтирибдурким, юз офати жондур, ишқ аҳлига балойи ногиҳондур, тўрт болишни тўрт тарафига қўйибдур ва яна хўб фоҳира либослар бирлан ясанибдур. Неча дурри тоза, лаъл, ёқут, забаржад ва зумрадни санам зулфига банд айлабдур. Мундоғ шавкатлар бирлан мени кўриб тахтдин тушиб мардонавор қучоқлаб, қўлларимдин ўпиб, ул тахт устига олиб чиқди, маҳбубона навозишлар айлар эрди. Мен гумроҳ мундоқ меҳрибонлиқни кўриб бир неча марта ўзимдан кетдим. Ул гулруҳ димоғимга гулоб ҳидлатиб ҳушимга келтирур эрди. У эй хожа ғам ва андуҳ чоғи эмас, ишрат вақтидур деб, бир пиёла май тутди. Унинг дурдек билакларини бўйнимга жамойил айлаб, бир-икки пиёла майдин нўш айлагандин сўнгра саргарам (маст) бўлиб, мен ҳам ишқибозлик қилурға турдим. Ул айёр дедики эй надимлар базм асбобини ҳозир айлаб тайёрланглар, Ҳожамни ҳожат тиллари энди чиқди деди. Дарҳол асбоби базм муҳайё бўлди. Мени либосларимни ечиб олиб, ўзга либослар бирлан ясантириб, бошимга шоҳона кулоҳ кийдирдилар.

Ҳар икковимиз бир-биримиздин бўсалар олур эрдик. Ниҳоят шаҳвоний ғалабасидин кўзим тиниб, хоҳладимки мурод эшигини вужудга келтирсам, баногоҳ ул маккора қўлидаги майға бир амал ўқиб манга сочиб дедики, эшак бўлғил! Мен ерга йиғилдим, оёқ-қўлларимни тапирлатиб, ниҳоят ўрнимдан турсам худди эшакдек бўлибдурман. Овозим эса ҳанги эшаклардан баландроқ эрди. Гап ўрнига эшакдек ҳанграр эрдим. Надшалар мени уриб-суриб кўчага олиб чиқиб ҳайдаб юбордилар.

Ночор бўлиб уйимга бордим, саҳар вақти бўлиб эрди. Эшикни бошим бирлан урдим, ғулом хожамиз келди деб эшикни очди, кўрдики бир эшакдур. Мени қулоғимдин тутиб олиб кириб отхонага боғлаб қўйди. Эрта бирлан хотиним ғуломга буюрдики бул эшак бирлан боғдин ўтин олиб келғил, агар эгаси чиқса олиб кетар деди. Ғулом устимга миниб бориб боғдан бир эшак ўтин ортиб олиб келди, зўрға етиб келдим. Агар яна мундоғ меҳнат бўлса ажалдин бурунроқ ўлурман деб, кечаси арқонни узиб қочдим, ғулом пайқамай қолди. Энди қаерга бораман деб тараддудда эрдим, қазоро, синглим эсимга тушди, у Шайх Аҳмаднинг никоҳларида эрди. У киши ҳам мударрис ва ҳам замона шайхларидин эрди. Синглимникига бордим. Шайх Аҳмад бир неча шогирдларига дарс бериб ўлтирган эканлар. Бошимни қимирлатиб ҳаммаларига салом бердим. Ҳаммалари ҳайрон бўлдилар. Шайхни кўзлари менга тушди. Мен туёғим бирлан ерга нақш айладимки «Мен Хожа Ҳасандурман» деб. Шайх мени таниб, шогирдларига жавоб бериб, синглим олдиға олиб кирдилар. Шайх синглимга қараб фалон шишани мунда олиб кел деб, амр айлади. Синглим дарҳол шишани ҳозир айлади. Бир ноҳотдек маъжунни бир жомга солиб эзиб менга ичирди. Дарҳол ерга йиғилиб бир-икки юмалаб, ўз аслимга келдим. Шайх Аҳмаднинг оёқларига йиқилиб, синглимни ҳам жавоб айлаб узрлар айтдим. Шайх Аҳмад кўп насиҳатлар қилиб, сарупolар бирлан ораста айлаб уйимга юбордилар.

Яна бир куни дўконға бориб, дўконни очиб савдо қилиб ўлтириб эрдим, бехосдан хаёлим яна ул гулруҳга кетиб, яна бир марта бориб кўрмак ҳаваси пайдо бўлди. Шайх Аҳмаднинг насиҳатларини фаромиш қилиб яна беихтиёр йўлга тушдим. Мен ул паривашнинг дарвозасига яқин бориб, ҳали эшик халқасига қўл урмасимдан ичкаридан ул раънонинг овози эшитилди. У канизига «Истиқболга чиқ, менинг жони дилим, меҳрибоним, дўстим, Хожа Ҳасан келдилар». Канизлар дарҳол дарвозани очиб, қўлимдан ушлаб, нозу карашмалар бирлан ул бонунинг олдиға олиб бордилар. Унга кўзим тушиши билан барча чеккан азоб-уқубатларим эсимдан чиқди. У мени кўриши билан дарҳол тахтдан тушиб келиб, мени қучоғига олиб, юзларимга юзини суркаб деб эрдики, эй менинг эшаккинам, аҳволинг нечукдур, ишқ муҳаббатнинг кўчаларида мундоғ ўйин ва синовлар кўпдур. Агарчи уч кунғача бу ерда бўлсанг хўб эрди, дўстликни зеб-зийнати бўлур эрди. Ҳали ҳам бўлса муҳаббатнинг остонасига келдинг, энди канизингдурман, деб бошдин оёғимни тавоф қилур эрди. Ишратни вақти ўтмасин деб ул тахт узра олиб чиқиб, шишаларни қатор айлаб, жомларни гардишиға келтириб, ҳар пиёладаги майни ярмини ўзи ичиб, қолганини менга ичирур эрди. Димоғим бода (май) таъсиридин чарм бўлиб, хоҳладимки кўнгул муродини олғайман. У заҳарханда бирлан қўлидаги пиёлага бир афсун ўқиб менга сочди ва айтдики ит суратида бўлғил деди. Мен ерга йиқилиб бир-икки думалаб катта кўппак ит суратига кириб қолдим. Овозим ҳам итни овозидек бўлди. Уриб, кўчага ҳайдаб дарвозани ёпиб олдилар. Мен кўчама-кўча юрардим, шаҳар итлари ўртаға олиб ва он миқдор таладиларки аъзойи баданим мажруҳ бўлди.

Охири саҳрога қочдим. Кунни кеч қилиб яна синглимни уйига келдим. Шайхнинг оёғига ўзимни ташладим, илтижолар айлаб, тирноғим бирлан ерга хат ёздимки «Мен Хожа Ҳасандурман» деб. Шайх синглимни олдига олиб кириб, кўп қаттиқ сўзлар айтиб яна таранум юзасидан ул шишадан бир миқдор маъжун олиб менга ичказди, беҳуш бўлиб йиқилдим. Ҳушимга келсам ўз аслимга қайтибман. Дарҳол шайхни қўлларини ўпиб тавоф айладим. Яна сарупо кийдириб, насиҳатлар айлаб уйимга жўнатдилар, уйга келиб ором олиб сўнгра дўконга бориб бир неча кун савдо билан шуғулландим, аммо ул жодугарнинг фириби ва муҳаббати асло дилимдан кетмади. Уни яна кўрмоқ иштиёқи зўрая борди.

Ниҳоят, ул дилрабони кўрмак ҳаваси мени йўлдан уриб, бир кун шомдан сўнг дарвозасига бордим. Яна канизак дарҳол истиқболимга чиқиб ҳарамга бошлади. Кўрдимки ул нозанинлар сараси анжоми базмни соз айлаб, ўзига ҳам бўлакча зийнат бериб ўлтирибдур. Мени кўриб юз карашма нозлар бирлан тахтдин тушиб, мени даст кўтариб тахт устига олди. Юзу кўзимдин бўсалар айлаб, маъшуқалиқни ҳаддин зиёда айлади. Мен ўзимни тортиб дедимки эй худодан қўрқмаган золим, неча турлик азобларни бошимга солдинг деб, койидим. Ул сеҳргар кулар эрди ва айтур эрдики, ошиқ киши мастдур, бул хоҳишлар муҳаббатни китобида бордур, деб, меҳрибонликлар айлаб дедики, ишқ кўчасида гоҳи эшшагимсан, гоҳида итимсан ва дўсти жонимсан, иложинг қанча муҳаббат силсиласидан ўзингни қутқаргил, мунча имтиҳонлар бу йўлларда бўлғусидур. Агар молинг учун келган бўлсанг, тайёрдур деб, бир канизакка ишорат айлади. Мендан олган молларни ҳаммасини келтирди. Яна буюрдики ёнига яна шунча мол қўш! Ул канизак яна шунча молни қўшди. Бир эшикни очди, қимматбаҳо либосларга тўла эрди, яна бир эшикни очди марвард, дурр, ёқут, лаълга тўладир. Алалқиёс етти эшикни очди, ҳаммаси қимматбаҳо нарсалар бирлан тўладур. Менга қараб агар сенга дунё керак бўлса бу дунёлардин уч ҳисса олиб кетабер, мен сенга бир нима демасман ва агар муҳаббат йўлидин келган бўлсанг, мунда фориғалбол ўлтир, бир дам суҳбат бўлсин. Дам бу дамдур, бу вилоятнинг соҳиб жамол йигитлари кўпдир деди ҳамда базм асбобини соз айлаб, мени шундай саргаранг айладики, бу оламни бор-йўқлигидин бехабар бўлдим, беҳуш бўлиб, яна қасд айладимки коми мурод олғайман. Мени ниятимни фаҳмлади, яна бир жомга май қуйиб, бир афсун айлаб юзимга сочди ва кабутар суратида бўлғин деди. Мен ерга йиқилиб бир-икки юмалаб бир кабутар бўлиб учиб бориб бир гул михга қўндим. Канизлар чўп бирлан киштлаб ҳайдадилар. Ул қасрнинг деразаси ойнадан эрди, мен синдириб қочдим. Ҳар томонга парвоз айлаб яна синглимни уйига бордим. Ўзимни синглим қўлига ташладим. Синглим ҳайрон бўлиб туриб эрди шайх Аҳмад кириб келдилар, сўрадиларки бу кабутар нечундур? Мен дарҳол шайхнинг кафтларига ёздимки «Мен Хожа Ҳасандурман» деб. Шайх дарғазаб бўлиб дедиларки, бу нопокни бўғизлаб ташламасам бўлмас, деб пичоқ олиб хоҳладиларки бошимни танимдин жудо қилғайлар. Синглим дарҳол ўғил ва қизи бирлан келиб шайхнинг қўлидан пичоқни олиб ташладилар. Шайх мени синглим қўлига топшириб, ўзлари бир хилватхонага кириб кетдилар. Бир оздан сўнг бир хат ёзиб олиб чиқдилар ва менинг қанотимга боғлаб дедиларки, ул тоғда бир ғор бордур, ул ғорнинг ичида бир азиз бордур, қўрқмасдан кириб қаноатларингни ул азизга суртгил, бул хат мазмуни бирлан шоядки мушкулинг осон бўлса. Мабодо бирор даррандага таъма бўлмағил дедилар.

**Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлади.**

**(Давоми бор)**



*Раққоса хиром айлар,*
*Кўнгилларни ром айлар.*

*Ибратнома*

# ЗАМИНДАГИ ЯГОНА ХУДО

• Хотунларнинг энг гўзали ҳаё ва иффат пардасига ўралганидур.

***СУҚРОТ***

• Эркакларнинг ишончидан кўра аёлларнинг гумони кўпроқ тўғри бўлиб чиқади.

***Р. КИПЛИНГ***

• Аёлларни севинг ва иззат қилинг; улардан фақат юпанч эмас, балки илҳомингизга куч, маънавий ва ақлий қобилиятларингизни икки баравар оширувчи қудрат ахтаринг.

***Ж. МАДЗИНИ***

• Аёллар асабларимизни, ортиқча шахсиятпарастлигимизни юмшатади; улар бизга қайдан бунёд бўлганимизни эслатиб туришади.

***М. БАРРЕС***

• Агар аёл эркакликни даъво қилмай, охиригача аёллигини қилса, у кўпроқ иззат-ҳурматга сазовор бўлади. Аёлда аёлга хос фазилатларни чеклаб, эркаклик хислатларини кучайтириш унга зиён етказиш демакдир.

***Ж. Ж. РУССО***

• Аёлсиз ҳаёт тонги ва оқшоми заиф, кундузи эса — ғамгин бўлиб қолар эди.

***П. БУАСТ***

• Хотин-қизларнинг ахлоқ масаласидаги қатъийликлари — бамисоли упа-элик, бу билан улар ўз ҳуснларига оро берадилар.

***Ф. ЛАРОШФУКО***

• Муҳаббат бобида аёллар эркакларга нисбатан анча сермулоҳазакордирлар, чунки муҳаббат аёл учун чин маънодаги улуғ туйғу ва бутун ҳаётининг мазмунидир.

***У. ИРВИНГ.***

• Табиат аёлга шундай дейди: уддасидан чиқсанг гўзал бўл, хоҳласанг оқила бўл, аммо идрокли бўлмоғинг шарт.

***П. БОМАРШЕ***

• Ўз муҳаббати билан олишаётган аёлнинг қатъияти оламда мавжуд жами қатъиятларнинг энг олижанобидир.

***СТЕНДАЛЬ***

• Ҳар бир киши ўзида севилишдек бир эҳтиёж сезадики, бу туйғу уни кўзи ўнгида юксакликка кўтаради, аммо одамни турлича: биринчи беадад меҳр-шафқат билан, яна бирини эса доимий жиддият билан севмоқ керак.

***Ж. САНД***

• Эркак билан аёл муҳаббати — бу ихтиёрий келишувдир, буни уларнинг қай бири бузса, фақат хиёнатда айбланади, аммо аёл она бўлгач, унинг бурчи янада кучаяди, бинобарин табиат унга зурриёт масаласини ишониб топширган.

***Г. МОПАССАН***

• Эркак киши танлаган қайлиққа қараб, у одамнинг кимлиги, ўз қадр-қимматини биладими-йўқми, осонгина билса бўлади.

***И. ГЁТЕ***

• Агар қалбимиз соф бўлса, «аёл» сўзи биз учун улуғворликка лиммолимдир.

***Э. СЕНАНКУР***

• Ўз севганингни соғиниб аҳволинг танг бўлиши, кўрарга кўзинг йўқ одам билан яшашдан юз чандон енгилроқдир.

***Ж. ЛАБРЮЙЕР***

• Аёл ишончини суиистеъмол этиб, муҳаббатини оёқ ости қилган, ожизгина вужудини қийнаб, кўзидан алам ёшларини оқизган одам, менинг наздимда, аблаҳ ва разилдир.

***Ш. НОДЬЕ***

• Тан гўзаллиги ошиқларни шайдо қилиши мумкин, уларни бир умр мафтун этиш учун эса қалб гўзаллиги талаб қилинади.

***К. КОЛТОН***

• Аёлларда гўзал бўлмоқликнинг биргина, лекин жозибадор бўлмоқликнинг эса юз минг имконияти бор.

***Ш. МОНТЕСКЬЕ***

• Аёл эркак зотининг буюк мураббийсидир.

***А. ФРАНС***

• Оқила рафиқам! Агар эринг ёнингда бўлишини истасанг, шунинг пайига тушгинки, токи у ҳеч ерда сенинг ҳузурингдаги каби роҳат-фароғат ва мулойимликка дуч келмасин.

***ПИФАГОР***

• Она — заминдаги ягона худодир.

***Э. ЛЕГУВЕ***

**Тўпловчи Феруза УМАРОВА.**

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 209

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

*«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.*

Буюртма Г-0182. Босмага топшириш вақти 11.30 1 2 3 4 5 6